

**Мирбабаев Музаффар Исматиллаевич**

**Низомий номидаги ТДПУ “Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси доцент в.б**

---

## **ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИДА ТАМОЙИЛЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада педагогик амалиётда педагогик амалиётни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш жараёнида амал қилиш керак бўлган тамойиллар тизимидан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган тамойиллар. Узлуксиз таълим тамойиллари билан ўзаро боғлиқлиги ва олий таълим муассасида жисмоний тарбия йўналиши талабаларининг педагогик амалиёт хусусиятларини акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** Билим, малака, тайёргарлик, жараён, назарий, рефлексия тамойил, маркетинг.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены принципы, которые могут использоваться в педагогической практике в процессе проектирования и реализации педагогической практики, принципы, которые определены для использования в процессе проектирования и реализации педагогической практики, принципы взаимосвязь с педагогической практикой. Отражены принципы непрерывного образования и особенности педагогической практики студентов направления физического воспитания в высшем учебном заведении.

**Ключевые слова:** Знания, компетентность, подготовка, процесс, теоретический, принцип отражения, маркетинг.

**Annotation:** This article discusses the principles that can be used in teaching practice in the process of designing and implementing teaching practice, the principles that are defined for use in the process of designing and implementing teaching practice, the principles of “Relationship with teaching practice. The principles of lifelong education and features of the teaching practice of students in the field of physical education in a higher educational institution are reflected.

**Key words:** Knowledge, competence, preparation, process, theoretical, principle of reflection, marketing.

---

Юксак билимли, етук малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш замонавий олий таълимнинг асосий муаммоси хисобланади. Ҳар қандай соҳа мутахассисларини тайёрлаш таълим мақсадларини, мазмунини ва ўқув жараёнини ташкил этиш тамойилларини асослашга боғлиқ бўлади. Айтиб ўтилган ўқув жараёни вазифаларидан асосийси мутахассисларни тайёрлаш мақсади хисобланади.

Жисмоний тарбия бўйича мутахассис кўп поғонали моделини қуриш жисмоний тарбия олий таълим муассасаларида кадрларни мақсадга мувофиқ ва сифатли амалга оширишга имкон беради.

Бу эса мамлакатда олий таълим ва ўрта маҳсус таълимни ислоҳ қилиш асосий йўналишларида, олий таълим муаммоларини ўрганувчи етакчи мутахассисларинг ишларида олий таълим муассасалари битирувчилари яхши назарий тайёргарликка эга бўлиб, ишлаб чиқаришни яхши билмасликлари, касбий фикрлашлари яхши

ривожланмаганлигини ва ташкилотчилик, тарбия, ижтимоий-сиёсий ишлар етарлича кўникумаларига эга эмасликлари таъкидланади;

- билимларидағи расмиятчилик, билимларининг ҳаётдан, амалиётдан ажralганлигини кўрсатадилар;
- билимлар малакадан устунлиги;
- таълим жараённада талабаларнинг ўзлаштирган билимлари кўп фанлилк хусусияти ва мутахассиснинг касбий фаолияти яхлитлиги хусусияти ўртасидаги қарама-қаршилик ҳал этилмаган ҳолатида қолмоқда;
- амалий тайёргарлик жараённада бўлажак мутахассисларда касбий фаолият тажрибасини ривожлантириш, унинг шахсини шакллантириш масаласи эмас, балки фақат билимларини мустаҳкамлаш масаласи ҳал қилинади;
- талабанинг олий таълим муассасидаги йиллик таълим олишидан икки-уч ўқув йили ўқув ва бўлажак амалий фаолияти узвий боғлиқсиз амалга оширилади:

  - бу ҳолат унда касбий мотивациянинг ривожланишини сустлаштиради. Талабаларнинг кўп қисми ҳаётий эҳтиёжи сабабли эмас, балки уларга имтиҳонлар сессиясини муваффақиятли тошириш кераклиги учун билимларни ўзлаштирадилар;
  - олий таълим муассасаларида амалий тайёргарлик босқичлари ва шакллари ўртасида тарқоқлик мавжуд, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти турлари ўртасида изчиллик йўқ;
  - кўпчилик ўқитувчилар замонавий ишлаб чиқаришни яхши билмайдилар;
  - олий таълим муассасаси ўқитувчилари кўпроқ ўз билим соҳаларини ривожлантириш, яъни “Қандай ўқитиш керак?” мухим масаласи эмас, “нимага ўқитиш” масаласи билан машғуллар.

Олий таълимда тўпланиб қолган айтиб ўтилган муаммолар ечимини олимлар ва мутахассислар тизимли ва фаолиятли ёндашишларни қўллашда қўрадилар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳаси ислоҳотларининг асосий йўналишларида таълим, фан ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш, олий таълимни қайта ташкил этиш асосини ташкил этиши кўрсатилади. Кадрларнинг назарий тайёргарликлари амалий таълимнинг самарали тизимини яратиш билан бирлаштирилиши, таълим муассасаларининг фан ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорлиги унинг асоси бўлиши таъкидланади.

Ишлаб чиқариш амалиёти талабаларни мустақил касбий фаолиятга тайёрлашнинг мухим ва амалий воситаларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда камчиликлар мавжуд бўлишига қарамай олий таълим тизимида бу соҳада катта тажриба тўпланган.

Педагогик амалиётнинг аҳамияти жуда катта. Амалиёт жараённада талабаларда назарий билимлар мустаҳкамланади, чукурлаштирилади ва кенгайтирилади, педагогик малакалари

ва кўникмалари, ижодий касбий қобилияtlари шакллантирилади, педагогик фикрлашлари ривожлантирилади.

Бироқ юқорида кўrsatилганидек, ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти замонавий тизими олий таълим муассасалари битирувчилари касбий тайёргарликларига қўйиладиган, хаётий талабларни тўла даражада қондирмайди. Бу ҳолат жисмоний тарбия муассасаларида кадрларни тайёрлашга ҳам тўла тааллуқлидир.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сонини ошириш, Ўзбекистон республикаси аҳолиси жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишини яхшилаш ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришиш асосий масалаларни ҳал қилишни талаб қилади:

Аҳоли жисмоний тарбияси ва таълими жараёнини янги вазифаларга йўналтириш, ушбу жараёнга умуминсонийлик ва умуммаданийлик йўналишини бериш, жисмоний тарбия – таълим яхлитлигига эга шахсни шакллантириш учун шароитларни таъминлашни, яъни жамият жисмоний тарбияси янги намунасини яратишда иштирок этишни фақат юқори малакали мутахассислар амалга оширишлари мумкин. Мана шундай мутахассисни шакллантириш – мураккаб, кўп қиррали ва узоқ давом этувчи жараён ҳисобланади. Талаб этиладиган мутахассисни тайёрлаш муаммосининг жиддийлиги бугунги кунда бутун ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ҳодисаларнинг жуда мураккаблиги ва тахмин қилиб бўлмаслиги билан ҳам белгиланади.

Педагогик амалиётда педагогик амалиётни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш жараёнида амал қилиш керак бўлган қўйидаги тамойиллар тизимидан фойдаланиш мумкин. Аниқланган тамойиллар «Узлуксиз таълим тамойиллари билан ўзаро боғланади ва жисмоний тарбия олий таълим муассасида педагогик амалиёт хусусиятларини акс эттиради:

- 1) Инсонпарварлик тамойили ҳар бир инсоннинг ижодий индивидуаллиги ривожланиши, бир-бирини ўқитиши, ўзаро муносабатлар ва узлуксиз педагогик амалиёт жараёни субъектларининг диалогик муроқотлари учун қулай шароитлар яратишни кўзда тутади;
- 2) Касбий мувофиқлик тамойили жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича олий мактаб мақсадларига эришишга ёрдам беради;
- 3) Амалий касбий фаолият узлуксизлиги тамойили талабаларнинг ОТМда таълим олиш даврида бирга бўлади ва ўқувчининг тўхтовсиз касбий ўсиши, ҳар бирида янги, янада юқори касбий маҳоратига ўтиш учун шарт шароитлар яратиладиган қатор изчиллик билан боғлиқ бўлган босқичларидан иборат унинг ривожланиши каби тушунилади;
- 4) Педагогик рефлексия тамойили. Психологияда рефлексия субъект томонидан ички психологик ҳодисаларни ва ҳолатини ўзи тушуниб етиши жараёни тушунилади. Рефлексия ички диалог каби ўтади, унда инсон у ёки бу қадрияларни таҳлил қиласи, баҳолайди, қабул қиласи ёки рад этади. Рефлексия ёрдамида инсон ўзи яшаётган мухитни, ушбу мухитда ўзининг ўрни ва ўзини англаб етиши ва бошдан кечириши натижасида шаклланиши ва ўзгариши мумкин.
- 5) Жисмоний тарбия мутахассислари касбий тайёргарлик тамойили.

Ушбу тамойил жисмоний тарбия таълими мутахассисларни тайёрлаш кўп босқичли тизимига ўтишига асосланган. Олий таълим мазмуни бакалаврлар, мутахассислар ва магистрларни тайёрлашни амалга оширувчи кўп поғонали тизимдан иборат. Ички яхлитликка эга, жисмоний тарбия таълими соҳаси мутахассиси бўлажак касбий фаолияти моделидан келиб чиқадиган узлуксиз педагогик амалиёт тизими олий таълим муассасида

бутун таълим жараёни муҳим элементи ҳисобланади, унинг босқичма-босқич, узлуксиз, касбий-педагогик ривожланишини таъминлайди.

6) Педагогик маркетинг тамойли талабаларнинг касбий фаолиятларини ташкил этишда уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва қондиришни; маркетинг хизматининг педагогик йўналишини ва унга талабаларни жалб қилиш; рақобатчи томонга доимий эътибор ва ўрганиш; давлат ижтимоий - иқтисодий сиёсати, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассисларига эҳтиёжининг ўзгаришини прогноз қилиш; юқори малакали жисмоний тарбия кадрларини тайёрлашни таъминлашни ўз ичига олади.

Педагогик амалиётни тизимлаштириш ҳар бири у ёки бу босқичларга ва узлуксиз педагогик амалиёт йўналишига мос аниқлаштириладиган, юқорида келтирилган тамойиллар тўпламини амалга оширишни назарда тутади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Рустамов, Л. Х. (2012). Значение педагогической практики в подготовке квалифицированных специалистов в сфере физической культуры и спорта. Молодой ученый, (10), 379-380.
2. Рустамов, Л. Х. (2012). Концепция систематизации непрерывной педагогической практики. In Педагогика: традиции и инновации (pp. 183-185).
3. Rustamov, L. (2022). IMPLEMENTATION OF A PERSON-ORIENTED APPROACH IN PROFESSIONAL ACTIVITIES OF STUDENTS. Science and Innovation, 1(8), 1259-1262.
4. Rustamov, L. (2022). TALABALARING KASBIY FAOLIYATLARIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN YONDASHUVNI AMALGA OSHIRISH. Science and innovation, 1(B8), 1259-1262.
5. Абдуллаева, Б. С., & Рустамов, Л. Х. (2013). ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ. SCIENCE AND WORLD, 103.
6. Рустамов, Л. Х., & Умматов, Н. Р. (2013). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ. SCIENCE AND WORLD, 59.
7. РУСТАМОВ, Л., & УМРЗОҚОВ, Ў. УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА НАЗОРАТНИНГ АҲАМИЯТИ. ILMU XABARNOMA. НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Андижанский государственный университет им. ЗМ Бабура, (1), 107-109.
8. RUSTAMOV, L. PEDAGOGIK AMALIYOTNI AMALGA OSHIRISH JARAYONI MAZMUNI. O 'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022,[1/11] ISSN 2181-7324.
9. РУСТАМОВ, Л. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШДА УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ. ILMU XABARNOMA. НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Андижанский государственный университет им. ЗМ Бабура, (4), 104-107.

10.Rustamov, L. K. (2023). SYSTEMATIZATION OF CONTINUOUS PEDAGOGICAL PRACTICE. Oriental Journal of Education, 3(03), 57-60.

11.Rustamov, L. X. (2012). Uzluksiz pedagogic amaliyotni tizmlashtirish. Metodik qollanma Toshkent.